


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ўзавтосаноат” АЖ Комплаенс,
ишлаб чиқариш ва моливий
хавфларни мониторинг қилиш
департаменти директори


М.Хакимов

“08” 01 2026 йил

“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2025 йил 12 ойи мобайнида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти ҳақида УМУМИЙ ҲИСОБОТ

I. Комплаенс тузилмаси

2025 йилда «Ўзавтосаноат» АЖ ва унинг тизим корхоналарида коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс тизимини таъминлаш мақсадида комплаенс функцияси алоҳида ташкилий тузилма сифатида ташкил этилган бўлиб, комплаенс тузилмаси жамият Кузатув кенгашига тўғридан-тўғри бўйсунган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида мустақил фаолият юритмоқда.

Комплаенс тузилмаларининг асосий вазифалари қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқликни таъминлашга қаратилган бошқарув механизмларини жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш, коррупциявий ҳамда бошқа комплаенс хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва баҳолаш, уларни камайтириш бўйича профилактик чораларни ташкил этиш, шунингдек, аниқланган номувофиқликлар юзасидан қабул қилинган қарорлар ижроси устидан тизимли мониторингни амалга оширишдан иборат.

Жамиятдаги комплаенс тузилмалари томонидан ҳисобот даврида қонунчилик ва ички ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаш, коррупциявий ва бошқа комплаенс хавф-хатарларни аниқлаш ва камайтириш, шунингдек, тизим корхоналарида профилактик ва ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган бир қатор ишлар олиб борилди.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар (ички ҳужжатлар) бўйича

Ҳисобот даврида «Ўзавтосаноат» АЖ ва унинг тизим корхоналарида комплаенс соҳасидаги ички меъёрий ҳужжатлар базаси тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Хусусан, «Ўзавтосаноат» АЖда мавжуд 19 та комплаенсга оид сиёсат ва бошқа ички ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларнинг амалда қўлланилиши, ижро механизми ва назорат самарадорлиги таҳлил қилинди.

Таҳлил натижасига кўра, комплаенсга оид 11 та ички ҳужжат халқаро стандартлар, миллий қонунчилик, Коррупцияга қарши курашиш Миллий

кенгаши қарорлари ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги кўрсатмаларига мувофиқлаштирилган ҳолда қайта ишланиб, янги таҳрирда қабул қилинди. Жумладан, қуйидаги ҳужжатлар янгиланди:

- “Манфаатлар тўқнашуви бўйича” Сиёсат ва Тартиби;
- “Совғалар ва меҳмондўстлик ҳаражатлари бўйича” Сиёсат ва Тартиби;
- “Хайрия ва тижорат ҳомийлиги бўйича” Сиёсат ва Тартиби;
- “Бизнес ҳамкорлар ва учинчи томонларни комплекс текшириш бўйича” Сиёсат ва Тартиби;
- “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш” Услубиёти;
- “Хизмат текшируви ўтказиш бўйича” Низом;
- “Ишга қабул қилинаётган номзодларни комплекс текшириш бўйича” Йўриқнома.

Хусусан, “Совға ва меҳмондўстлик ҳаражатлари бўйича” Сиёсатда учинчи шахсларга совға ва меҳмондўстлик ҳаражатлари беришдаги чекловлар ҳамда тақиқланган ҳолатлар аниқ белгиланиб, қиймат лимитлари, розилик олиш босқичлари аниқлаштирилди.

Шу каби, “Хайрия ва тижорат ҳомийлиги бўйича” Сиёсатда ҳомийлик маблағлари олувчилар учун чек-листлар жорий қилиниб, ажратиладиган маблағларнинг мақсадли сарфланишини ўрганиш даврийлиги, вазифалар тақсимооти ва назорат тартиблари белгиланди.

Шунингдек, “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш” Услубиёти янги таҳрирда қабул қилиниб, унда жамиятда иш жараёнлардаги инсон омили иштироки, назоратга олинганлиги ҳолати, ҳужжатлаштирилиши ҳамда рақамлаштирилиши ҳолатларидаги хавфлар эҳтимоли ҳамда ушбу хавфларнинг жамиятнинг молиявий, ҳуқуқий, ижтимоий, бизнес жараёнлари ҳамда имиджига таъсири оқибатларига кўра, даражалаб, баҳолаш механизмлари такомиллаштирилди.

Бундан ташқари, ушбу сиёсат ва тартиблар жамият тизим корхоналари бўлган “UzAuto Motors”, “UzAuto Motors Powertrain” АЖлар, “Alyans Avto”, “Avtosanoat Agro Lizing”, “Uzauto Components” ва “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ лар томонидан ҳам янгиланиб, амалиётга жорий қилинди.

Янги таҳрирда қабул қилинган комплаенс ҳужжатлари белгиланган тартибда ходимларга етказилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Хусусан, ушбу сиёсат ва тартиблар Жамият ва тизим корхоналари томонидан раҳбар буйруқлари билан ходимларга танишиб чиқиш учун етказилди, расмий веб-сайтлари, электрон платформаларига жойланди ҳамда ўқитиш ва тушунтиришлар орқали ижрочиларга маълумотлар берилди.

Ушбу сиёсат ва тартиб-таомиллар қарор қабул қилиш, келишиш ва маблағ ажратиш жараёнларига интеграция қилиниб, назорат қилиш ва ҳисобдорлик механизмлари кучайтирилди.

III. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг 2022 йил 31 августдаги 2-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услуги” талабларига асосан хавф-хатарларни баҳолаш белгиланган.

2025 йилда “Ўзавтосаноат” АЖ тизимидаги барча **22 та** функциялар коррупциявий хавф даражаси “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали баҳоланди. Баҳолаш натижасида **2 (4) та** функция **юқори** хавфли, **16 (18) таси ўрта** хавфли ва **4 (2) таси** паст хавфли эканлиги маълум бўлди.

Юқори хавфли функциялар:

- «UzAuto Motors» АЖ Ишлаб чиқаришни таъминлаш бошқармаси, Глобал харидлар ва таъминот тизими бошқармаси – автомобил ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашё, материал ва бутловчи қисмларни харид қилиш, уларни корхона омборига ўз вақтида ва керакли миқдорларда олиб келишни таъминлаш ва автомобилларни ишлаб чиқаришни режалаштириш, маҳсулот сифатини текшириш;

- “UzAuto Motors” АЖ Ташқи савдо бўлими, Бизнесни ривожлантириш ва дилерлик ташкилотларини мониторинг қилиш бўлими, Мониторинг, ривожлантириш ва сотув Дирекцияси – хорижий давлатлардаги корхоналар билан кооперация қилиш имкониятларини ўрганиш, потенциал хорижий ҳамкорлар билан мавжуд ва янги корхоналарда автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни излаш ва йўлга қўйиш.

Ушбу функцияларда юқори хавф-хатарлар даражаси аниқланишига асосан ҳисобот даврида комплаенс бузилиши ҳолатлари содир бўлганлиги, жараёнлар ҳужжатлар билан тўлиқ тартибга солинмаганлиги ва инсон омили юқори бўлганлиги сабаб бўлган.

Ўрта хавфли функциялар:

- “Ўзавтосаноат” АЖ Маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини ривожлантириш бошқармаси, Ташқи иқтисодий кооперация, инвестиция ва инновация Департаменти, трансформация бўйича лойиҳа офиси – компаниянинг ўрта ва узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш;

- “Ўзавтосаноат” АЖ Савдони ривожлантириш ва маркетинг бошқармаси, Сотишдан кейинги хизматни ривожлантириш бошқармаси –

Янги дилерлик статусини олмоқчи бўлган миллий ва хорижий компаниялар аризаларини белгиланган талаб ва стандартлар асосида кўриб чиқишлигини назорат қилиш ҳамда комплаенс текширувидан ўтказиш, амалдаги дилерлик корхоналарини белгиланган стандартларга асосан фаолият олиб боришлигини мониторинг ва назорат қилиш;

- “Ўзавтосаноат” АЖ Савдони ривожлантириш ва маркетинг бошқармаси, Сотишдан кейинги хизматни ривожлантириш бошқармаси – Янги дилерлик статусини олмоқчи бўлган миллий ва хорижий компаниялар аризаларини белгиланган талаб ва стандартлар асосида кўриб чиқишлигини назорат қилиш ҳамда комплаенс текширувидан ўтказиш, амалдаги дилерлик корхоналарини белгиланган стандартларга асосан фаолият олиб боришлигини мониторинг ва назорат қилиш;

- “Ўзавтосаноат” АЖ Халқаро молиявий ҳисоботлар ва методология бошқармаси, Корпоратив ва мулкӣ муносабатлар бошқармаси – кузатув кенгашлари аъзоларини танлаш, ягона таъсисчи сифатида ишончнома бериш, кузатув кенгаши ва ягона иштирокчи ваколатидаги масалалар бўйича қарор қабул қилиш, ҳисоботларини эшитиш, раъбатлантириш, ваколат муддатларини узайтириш масалаларида иштирок этиш;

- “Ўзавтосаноат” АЖ Савдони ривожлантириш ва маркетинг бошқармаси, “UzAuto Motors” АЖ Маркетинг бўлими – тадқиқотлар ўтказиш учун аутсорсинг корхона ёнлаш ёки таҳлилий маълумотлар базасини сотиб олиш, рақобатбардош маҳсулотларни танлаб олиш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, лойиҳага асосан ускуна ва қолипларни сотиб олиш, маҳсулотларини жаҳон бозорларига кириб бориш учун реклама (аутсорсинг) стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- “Ўзавтосаноат” АЖ Ишлаб чиқаришни иқтисодий прогнозлаш бошқармаси – қисқа ва ўрта муддатли ишлаб чиқариш режаларини тузиш, тизим корхоналарига иқтисодий масалалар бўйича амалий услубий ёрдам кўрсатиш;

- “Ўзавтосаноат” АЖ Халқаро молиявий ҳисоботлар ва методология бошқармаси, Ғазначилик ва молия бошқармаси – кредитлар ажратилишида кафилликлар бериш, мулкни гаров сифатида бериш, молиявий ёрдам ва заёмлар ажратиш, мақсадли тушумлардан фойдаланиш;

- “Ўзавтосаноат” АЖ Ташқи иқтисодий кооперация, инвестиция ва инновация Департаменти, Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бошқармаси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа давлатлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш;

- “Ўзавтосаноат” АЖ Ташқи иқтисодий кооперация, инвестиция ва инновация Департаменти – режалаштирилган лойиҳалар базасини шакллантириш, инвестицион дастур бўйича беш йиллик давр учун инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш параметрларини аниқлаштириш ҳамда янгилаш учун таклифлар ишлаб чиқиш;

- “UzAuto Motors Powertrain” АЖ Ишлаб чиқариш Департаменти – куч агрегатларини ишлаб чиқишни режалаштириш, ишлаб чиқариш,

маҳсулот сифатини текшириш, тайёр маҳсулотни харидорларга етказиб бериш;

- “Ўзавтосаноат” АЖ Халқаро молиявий ҳисоботлар ва методология бошқармаси, Маъмурият ва ҳужжатлар ижроси назорати бошқармаси – Бизнес-режанинг соф фойда бўйича кўрсаткичлари бажарилган тақдирда хайрияни амалга ошириш.

Бу функцияларнинг ўрта даражада баҳоланишига жараёнлар ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлсада, назорат тадбирларининг самарадорлиги етарли натижа бермаганлиги, фаолиятнинг қисман автоматлаштирилганлиги каби омиллар сабаб бўлган.

Функцияларни баҳолаш натижаси бўйича берилган хавф даражалари нисбатан уларни бажаришга масъул ва иштироки бўлган лавозимларга ҳам мутаносиб хавфлар даражаси берилган.

Коррупцияга қарши чора-тадбирлар Дастурининг ижроси бўйича: Баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, функциялардаги хавфларни минималлаштириш учун **18** банддан иборат йиллик Коррупцияга қарши курашиш Дастури ишлаб чиқилди.

Дастурга асосан, йўналишлардаги мавжуд хавфларни камайтириш ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш бўйича жами **59 та** чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, шундан **40 таси** тегишли жараёнларни текшириш ва мониторинг қилиш, **19 таси** соҳага масъул ходимларни ўқитиш ва тренинглар олиб бориш каби чора-тадбирларни ташкил этган.

Мазкур режага асосан белгиланган мониторинг тадбирлари тўлиқ бажарилиб, ижроси таъминланган.

Коррупцияга қарши курашиш дастури ижроси доирасида ўтказилган ўқитишлар ва мониторинг тадбирлари натижасида масъул ходимларнинг коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича амалий кўникмалари мустаҳкамланди, жараёнларда ягона ёндашув шаклланди ва амалиётдаги турлича талқинлар қисқарди.

Мониторинглар натижасида хавф юқори ва ўрта бўлган йўналишларда мавжуд камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тизимли чоралар кўрилди, бу эса айрим жараёнларда коррупциявий хавфлар даражасининг пасайишига ҳамда такрор хавфларнинг юзага келиш эҳтимолини камайтиришга хизмат қилди.

Ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича: Жамият ва унинг тизимида ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Жумладан, умумий ва махсус ўқитишлар доирасида коррупциявий хавфи юқори бўлган лавозимларда фаолият юритувчи ходимлар, комплаенс хизмати ходимлари ҳамда янги ишга қабул қилинган ходимларни ўқитиш тадбирлари режалаштирилиб, улар изчил равишда ташкил этилмоқда.

Ушбу ўқув жараёнларининг асосий мақсади - тизимда коррупцияга нисбатан мурасизлик муҳитини мустаҳкамлаш, ходимларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини ошириш, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларини ривожлантиришдан иборатдир.

Шу мақсадда 2025 йилда тизим бўйича жами 12 443 нафар ходимларни ўқитиш режа қилинган бўлиб ҳисобот даврида **умумий ва махсус ўқитиш, тренинг, семинар ҳамда давра суҳбатлари** ташкил этилди. Ушбу тадбирларда жами **14 081 нафар тизим ходимлари** иштирок этиши таъминланди.

Жумладан, белгиланган ўқитиш режаларига мувофиқ тизим бўйича 300 дан ортиқ умумий ўқитишлар ташкил этилиб, уларда жами **13 692** нафар ходимлар иштирок этган.

Ушбу ўқитиш тадбирларида иштирок этган ходимлардан 72 нафари “Ўзавтосаноат” АЖ, 12 110 нафари “UzAuto Motors” АЖ, 621 нафари “UzAuto Motors Powertrain” АЖ, 41 нафари “Alyans Auto” МЧЖ, 37 нафари “Avtosanoat Agro Lizing” МЧЖ, 17 нафари “UzAuto Components” МЧЖ, 794 нафари “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ ҳисобига тўғри келади.

Шундан, янги ишга қабул қилинган 2 554 нафар ходимлардан 2 272 нафар ходимлар ўқитилган. Бунда “UzAuto Motors” АЖ корхонасига янги ишга қабул қилинган 282 нафар ходим қисқа муддатда ишдан бўшаганлиги боис ўқитишни имкони бўлмаган.

Умумий ўқитилган ходимларнинг сони 2024 йилнинг мос даври (6 574 та) билан таққосланганда 2025 йилда **7 118** нафарга ёки **108,2 фоизга** ортган.

Умумий ўқитишлар доирасида “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Одоб-ахлоқ қоидалари”, “Меҳмондўстлик ва совғалар”, “Манфаатлар тўқнашуви сиёсати”, “Бизнес ҳамкорларни комплекс текшириш процедураси”, “Хайрия ва тижорат ҳомийлиги”, “Санкциялар ва экспорт назорати” мавзуларида малака ошириш ва онлайн ўқитишларга асосий эътибор қаратилди.

Шунингдек, 30 дан ортиқ махсус ўқитишлар ташкил этилиб, уларда **389 нафар ходимлар** иштирок этди.

Хусусан, “Ўзавтосаноат” АЖда 19 нафар, “UzAuto Motors” АЖда 244 нафар, “UzAuto Motors Powertrain” АЖда 13 нафар, “Alyans Auto” МЧЖда 17 нафар, “Avtosanoat Agro Lizing” МЧЖда 12 нафар, “UzautoComponents” МЧЖда 13 нафар, “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖда 71 нафар бошқарув ходимлари иштирок этди.

Шундан, коррупциявий хавфи ўрта (87 та) ва юқори (21 та) бўлган лавозимларда ишловчи ходимларнинг барчаси ўқитилиб, белгиланган тартибда сертификатларни қўлга киритиши таъминланди.

Махсус ўқитилган ходимларнинг сони 2024 йил (162 та) билан таққосланганда, **227** нафарга ёки 140,1 фоизга ортган.

Махсус ўқитишларда эса “Коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали идоравий чора-тадбирларни ташкил этиш”, “ISO 37001:2016 халқаро стандартига асосан коррупцияга қарши менежмент тизими”,

“Харидларни амалга ошириш жараёнида коррупцияга қарши курашиш” ҳамда “Молиявий ва ички назоратга оид хавфларни бошқариш, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш” мавзуларида малака ошириш ва онлайн ўқитишларга асосий эътибор қаратилди.

Номзодларни текшириш: 2025 йилнинг 12 давомида “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг таркибий тизим корхоналарида ишга қабул қилинувчи **2 903 нафар номзодлар** белгиланган сиёсат ва талаблар асосида тегишли тартибда текширувдан ўтказилди.

Текширилган номзодларнинг **18 нафари** “Ўзавтосаноат” АЖ, **1844 нафари** “UzAuto Motors” АЖ, **546 нафари** “UzAuto Motors PT” АЖ, **26 нафари** “Alyans Auto” МЧЖ, **13 нафари** “Avtosanoat Agro Lizing” МЧЖ, **4 нафари** “UzautoComponents” МЧЖ, **452 нафари** “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ корхоналари ходимларини ташкил этади.

Бундан, жами **2 903 нафар** номзоддан **2 894 нафарига** ижобий хулосалар берилиб ишга қабул қилинган. **9 нафар** номзодлар белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганлиги учун салбий хулоса берилган.

Салбий хулосалар берилишига номзодларнинг дипломлари нострификация қилинмагани, малака талаблари тўғри келмагани сабаб бўлган.

Жамият томонидан салбий хулосалар берилган номзодлар билан меҳнат шартномалар тузилмаган.

Ушбу текширувлар ишга қабул қилиш жараёнида коррупциявий хавф-хатарларни, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ҳамда ҳужжатлар ҳаққонийлиги билан боғлиқ таваккалчиликларни олдини олишга қаратилган.

Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича: 2025 йил 12 ой давомида тизим бўйлаб 18 192 нафар ходим йиллик ҳамда 2 554 нафар ишга янги қабул қилинган номзодлар, 3 288 нафар бошқа ишга ўтказилган ходимлар эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви декларациялар тўлдириб тақдим этган ва декларациялар таҳлил қилинди.

Таҳлил натижасида жами **72 та** манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари Одоб-ахлоқ комиссияси муҳокамасига киритилди, шундан **44 тасида** манфаатлар тўқнашуви мавжуд деб топилди, **28 таси** эса эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви сифатида баҳоланди.

Корхоналар кесимида кўрилганда, “Ўзавтосаноат” АЖда 10 таси “эҳтимолий”, “UzAuto Motors” АЖда 27 таси мавжуд, 12 таси “эҳтимолий”, “Avtosanoat Agro Lizing” МЧЖда 1 таси “эҳтимолий”, “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖда 17 таси мавжуд ва 5 таси “эҳтимолий” манфаатлар тўқнашуви деб топилган.

Шундан, 13 та ҳолатда хўжалик юритувчи субъектлардаги таъсисчилик ва акцияга эга бўлиш (“Ўзавтосаноат” АЖда 9 та, “UzAuto Motors” АЖда 3 та, “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖда 1 та), 59 та ҳолатда Жамият ёки уни тизим корхоналарида қариндошлик асосида ишлаши (“Ўзавтосаноат” АЖда 1 та, “UzAuto Motors” АЖда 36 та, “Avtosanoat Agro

Lizing" МЧЖда 1 та, "BYD Uzbekistan Factory" МЧЖда 21 та) билан боғлиқ ҳолатлардан иборат.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан таъсир чоралари қўлланилиб, 9 тасида таъсисчиликдан чиқиши, 13 тасида ходимнинг функциялари қайта кўриб чиқилиши, 46 тасида ходим бошқа ишга ўтказилиши, 4 тасида ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш чоралари кўрилди.

Ҳисобот даврида, манфаатлар тўқнашуви содир бўлиши мумкин бўлган бошқа қуйидаги жараёнларда:

- харид;
- фуқаролик ҳуқуқий шартнома асосида ишга қабул қилиш;
- яқин қариндошлари ишлаётган объектни текшириш билан боғлиқ ҳолатларда манфаатлар тўқнашуви кузатилмаган.

Шунингдек, жамият ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлиги ҳақида мурожаатлар келиб тушмаган.

Манфаатлар тўқнашуви бўйича энг кўп учраган ҳолатлар сифатида ходимларнинг таъсисчи сифатида иштирок этиши ҳамда яқин қариндошларининг бир тизим доирасида ишлаши билан боғлиқ ҳолатлар кузатилди.

Барча ҳолатлар белгиланган тартибда реестрга киритилиб, манфаатлар тўқнашуви бўйича ходимлар ўртасида қонунчиликда назарда тутилган чекловларга қатъий риоя этиш масалалари юзасидан тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ҳамда мақсадли ўқитишлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Контрагентларни ўрганиш ва текшириш (Due Diligence) бўйича: Комплаенс хизмати томонидан 2025 йил 12 ойлик давр давомида 1425 та шартномалар бўйича контрагентлар ўрганилиши керак бўлиб, шундан 1425 та (959) контрагент комплаенс текширувидан ўтказилди. Ўрганилган контрагентлардан 1308 та (833) сига ижобий ва 117 та (126) ҳолатда салбий хулоса чиқарилди.

117 та (126) салбий хулосаларнинг сабаблари:

- 13 та (60) ҳолатда – харид ёки танлов жараёнларида таклифларни баҳолаш тартиби бузилган: “UzAuto Motors” АЖ - 3та, “UzautoComponents” МЧЖ тизим корхоналари - 9 та;

- 10 та ҳолатда – Харид ҳужжатларидаги хато ва камчиликлар аниқланган: “UzAuto Motors” АЖ - 5 та, “UzautoComponents” МЧЖ тизим корхоналари - 5 та;

- 7 та (15) ҳолатда – контрагентлар ўртасида аффилланганлик хавфи борлиги учун ҳамкорлик рад этилган: “UzAuto Motors” АЖ - 7 та;

- 16 та (13) ҳолатда – контрагент тақдим этган ҳужжатларда жиддий камчиликлар ва номутаносибликлар аниқланган: “UzAuto Motors” АЖ - 7 та; “Ўзавтосаноат” АЖ - 2 та; “UzautoComponents” МЧЖ тизим корхоналари - 4 та;

- 3 та (7 та) ҳолатда – контрагент томонидан сохта ёки ҳақиқий эмас ҳужжатлар тақдим этилган: “UzAuto Motors” АЖ - 2та; “O‘zAuto-Austem” МЧЖ - 1 та;

- 1 та ҳолатда – шартнома шартларини бажармаслик ҳолатлари: “Ўзавтосаноат” АЖ - 1 та;

- 47 та (15) ҳолатда – иштирокчилар орасида алоқадорлик хавфлари аниқланган: “UzAuto Motors” АЖ - 5та; “UzAuto Motors Powertrain” АЖ - 38 та; “UzautoComponents” МЧЖ тизим корхоналари - 4 та;

- 7 та ҳолатда – асоссиз тўғридан-тўғри давлат хариди: “UzAuto Motors” АЖ - 5 та; “O‘zChasys” МЧЖ - 2 та;

- 8 та ҳолатда - шартнома тузишдаги хато ва камчиликларга йўл қўйилган: “UzAuto Motors” АЖ - 2 та; “Ўзавтосаноат” АЖ - 6 та;

- 1 та (7 та) ҳолатда - асоссиз харажатни олди олинган: “Ўзавтосаноат” АЖ - 1 та;

- 4 та ҳолатда - бозор нархлари ўрганилмаган: “UzAuto Motors” АЖ - 1 та; “Ўзавтосаноат” АЖ - 3 та;

Юқоридаги 117 та (126) салбий ҳолатлар бўйича жами 143,3 млрд. сўмлик (231,5 млрд. сўм) шартномалар тузилиши ёки харидлар амалга ошиши олди олинган.

Шундан, 13 та ҳолатда 5,4 млрд. (35 млрд) сўми “Ўзавтосаноат” АЖ, 41 та ҳолатда 91,6 млрд. (49 млрд.) сўми «UzAuto Motors” АЖ, 25 та ҳолатда 39,7 млрд. (141,7) сўми “UzautoComponents” МЧЖ ва унинг тизим корхоналари, 2 та ҳолатда 7 млрд. (0) сўми "BYD Uzbekistan Factory" МЧЖ ва 38 та ҳолатда 6,7 млрд. (4,7 млрд.) сўми “UzAuto Motors Powertrain” АЖ корхоналари ҳиссасига тўғри келган.

Тарғибот тадбирлари ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича:

2025 йил давомида тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий тарғибот ишлари ва жамоатчилик билан алоқалар йўналишида чора-тадбирлар тизимли равишда ташкил этилди.

Ушбу ишлар ходимлар ўртасида коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини мустаҳкамлаш, профилактик таъсирни кучайтириш ҳамда компаниянинг очиқлик сиёсати доирасида жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилди.

2025 йилнинг 12 ойи давомида Комплаенс хизмати томонидан жами **485** (267) та тарғибот тадбирлари ўтказилган ва шундан **432** (252) таси оғзаки ҳуқуқий тарғибот тадбирларини, **50** (15) таси оммавий ахборот

воситалари орқали ўтказилган тадбирларни ташкил этиб, уларда жами **24 325** (20 341) нафар тингловчилар иштирок этган.

Оғзаки тадбирларнинг **317** (43) таси маърузаларни, **32** (139) таси давра суҳбатларини, **84** (68) таси семинарларни, **2** (2) таси кофиренцияларни ташкил этган бўлса, манзиллари бўйича тадбирларнинг **409** (238) таси меҳнат жаомаларида ва **23** (14) таси бошқа жойда ўтказилган тадбирларни ташкил этган ҳамда **4 943** (3998) та қўргазмали ҳуқуқий материаллар тарқатилган.

Оммавий ахборот воситаларида ўтказилган 13 таси (5) “Ўзавтосаноат” АЖ, 10 таси (0) “BYD Uzbekistan Factory” МChJ, 15 таси (4) “UzAuto Motors” АЖ ва бошқа корхоналар ҳиссаси (“UzAuto Motors Powertrain” АЖ, “Alyans Avto”, “Avtosanoat Agro Lizing”, “Uzauto Components”)га тўғри келган.

Шунингдек, жамоатчилик билан очиқ мулоқотни таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирларда ОАВ вакиллари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда таълим муассасалари (Турин Политехника университети) вакиллари иштирок этиб, компаниянинг коррупцияга қарши курашиш тизими бўйича бевосита ахборот алмашинуви амалга оширилди.

Мурожаатлар ва хабарлар (Whistleblowing) бўйича: “Ўзавтосаноат” АЖ ва тизим корхоналарида ходимлар ва учинчи шахслардан коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш учун махсус каналлар (ишонч телефони, электрон почта ва қутилар) яратилган.

Ходимлари, ҳамкорлар ва фуқароларга тизимда содир бўлаётган коррупцион ҳолатлар тўғрисида хабар беришини таъминлаш мақсадида алоқа каналлари ташкил этилган, корхоналарга аноним хабар бериш учун махсус қутилар ўрнатилган.

Хусусан, “Ўзавтосаноат” АЖда қуйидаги алоқа каналлари ишлаши йўлга қўйилиб, расмий веб-сайтда, ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали жамоатчиликка етказилмоқда.

№	Алоқа канали тури	Манзили
1.	Facebook	https://www.facebook.com/compliance.uzauto/
2.	Электрон манзил	compliance@uzavtosanoat.uz
3.	Телеграм	Uzautosanoat_compliance_bot
4.	Ишонч телефони	+99878 140-76-70

Бундан ташқари, “UzAuto Motors”, “UzAuto Motors Powertrain” АЖлар, “Alyans Avto”, “Avtosanoat Agro Lizing”, “UzautoComponents” ва “BYD

Uzbekistan Factory” МЧЖ ларда ҳам 4 тадан коррупция ҳақида беришга мўлжалланган алоқа каналлари жорий қилиниб, расмий веб-сайтида, интернет тармоғида тегишли эълонлар бериш орқали жамоатчиликка етказилмоқда. Бундай эълонлар ҳафталик бериб борилиши йўлга қўйилди.

Хисобот даврида “Ўзавтосаноат” АЖ га 22 та, “UzAuto Motors” АЖга 23 та, “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖга 5 та жами тизим бўйича 50 (23) та мурожаатлар келиб тушган.

“Ўзавтосаноат” АЖ комплаенс хизматига келиб тушган мурожаатларнинг 8 таси “UzAuto Motors” АЖ, 3 таси “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ, 4 таси дилерлар, 2 таси “UzAuto Austem” МЧЖ, 1 таси “Uz-Koram Co.” МЧЖ, 2 таси “Uz-SaeMyung Co” АЖ, 1 таси “Auto Rubber” МЧЖ ҳамда 1 таси “Auto Spring Components” МЧЖ фаолияти билан боғлиқ мурожаатлар келиб тушган.

Ушбу мурожаатлар йўналиши бўйича таҳлил қилинганда, **8 таси** ишга тиклаш ва меҳнат низолари (“UzAuto Motors” АЖда 6 та, “Uz-SaeMyung Co” АЖ да 1 та, “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ да 1 та), **10 таси** шартнома шартлари бажарилмагани ва тўлов масаласида (“BYD Uzbekistan Factory” МЧЖда 5 та, “UzAuto Motors” АЖда 5 та), **2 таси** ишга кириш (“Auto Spring Components” МЧЖ да 1 та ва “UzAuto Motors” АЖда 1 та), **18 таси** дилерлар фаолияти бўйича (“UzAuto Motors” АЖда 17 та, “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖда 1 та), **2 таси** интизомий жазо қўлланилгани (“UzAuto Motors” АЖ да 1 та, “UzAuto Austem” МЧЖ да 1 та), **1 таси** ўзига нисбатан ўтказилаётган хизмат текширувида комплаенс хизмати ходими иштироки таъминланиши (“UzAuto Austem” МЧЖ), **1 таси** “Asaka City” уй-жойлар қуриш ишлари ўз вақтида якунланмагани (“UzAuto Motors” АЖ), **1 таси** фиргарлик йўли билан кредит олингани (“UzAuto Motors” АЖ), **1 таси** хизмат сафарига юборишда таниш-билишчиликка йўл қўйилгани (“BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ), **1 таси** Касаба уюшмаси фаолиятидан норозиги (“Uz Koram Co.” МЧЖ), **5 таси** бошқа масалалар – касаллик таътили вақтида ишга жалб қилинганлиги, хизмат текшируви ҳужжатларидан нусха олиш, ички тартиб қоидалари бузилиши, аризани кўрмасдан қолдириш ва “Auto Rubber” МЧЖ раҳбарияти хатти-ҳаракатларидан норозилиги (“UzAuto Motors” АЖ да 4 та, “Auto Rubber” МЧЖ да 1 та) юзасидан бўлган.

Келиб тушган мурожаат ва хабарларнинг **3 таси** қаноатлантирилган, **27 та** мурожаатлар бўйича тушунтиришлар берилган, **3 таси** тегишилилиги бўйича (Давлат активларини бошқариш агентлигига 2 та, “UzautoComponents” МЧЖга 1 та) юборилган.

Шунингдек, хисобот даврида **махсус алоқа каналлари орқали** 21 та (17 таси “UzAuto Motors” АЖ, 4 таси “Ўзавтосаноат” АЖ) хабарлар келиб тушган бўлиб, улардан 19 таси дилерлар фаолиятига, **2 таси коррупция ва фирибгарликга оид хабарларни** ташкил қилган.

Хусусан, “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ да малака ошириш бўйича хизмат сафарига юборишда таниш-билишчиликка йўл қўйиб келингани бўйича келиб тушган мурожаатда кўрсатилган важлар, ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмади.

“UzAuto Motors” АЖ да ишчининг номига бошқа ишчи фирибгарлик йўли билан кредит олингани ҳолати бўйича келиб тушган мурожаат ўрганиб чиқилди ҳамда важлар тасдиқлангани сабабли, айбдор шахсга қонуний чора кўриш учун ХМҚО га юборилди.

Ушбу мурожаатлардан **10** таси **қаноатлантирилган**, **7** таси бўйича **тушунтириш берилган**, **4** та мурожаатлар юзасидан ўрганиш давом этаётганлиги сабабли жараёнда қолган.

Жорий йилда ўрганилган мурожаатлар **2024 йилда** келиб тушган мурожаатлар билан солиштирилганида ўтган йили Комплаенс хизматига алоқа каналлари орқали мурожаатлар келиб тушмаган бўлса-да, ёзма аризалар сони **23** тани ташкил этган ва жорий йилда мурожаатлар сони **27** тага ортган.

Хисобот даврида, дилерлар фаолияти (18), шартнома шартлари бажарилиши (10), меҳнат низолари (8) бўйича мурожаатлар кўпайган.

Мурожаатларни ўтган йилга нисбатан кўпайганлиги, жамоатчилик орасида комплаенс хизматига бўлган ишончни ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Келиб тушган ҳар бир мурожаат ва хабар белгиланган тартибда рўйхатга олиниб, холислик, шаффофлик ва ҳалоллик тамойиллари асосида фактларга таянилган ҳолда тўлиқ ўрганилди. Ўрганиш жараёнида махфийлик ва анонимлик кафолатланиб, натижалар бўйича тегишли чоратadbирлар қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда.

Ички мониторинг ва назорат натижалари.

2025 йил ўтган даврида комплаенс хавфларни олдини олишга қаратилган ўқитиш-тренинг ва тарғибот тадбирлари олиб борилгани, юқори ва ўрта хавфли даражадаги жараёнларни тизимли равишда мониторинг ва назорат қилиб борилгани ҳамда келиб чиққан ҳолатлар бўйича ўтказилган профилактика тадбирлари натижасида хисобот даврида жамият ва тизим корхоналарида молиявий хато ва камчиликлар камайишига эришилди.

Хусусан, 2025 йил якуни бўйича самарадорлик **1 949,1 млрд. сўмни ташкил этиб**, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан (2705,1 млрд сўм) -38,8 % камайган.

Самарадорлик натижаларини камайишига “UzautoComponents” МЧЖда тизимига кирувчи 16 та маҳаллий корхоналарнинг хусусийлашиб, тизимдан чиқиб кетиши сабаб бўлган.

2025 йилнинг ўтган даврида “Ўзавтосаноат” АЖ ва тизим корхоналаридаги Комплаенс хизматлари томонидан жами **408 та** (552) назорат тадбирлари ўтказилган бўлиб, тадбирларнинг **60 таси** (40) “Ўзавтосаноат” АЖ, **241 таси** (185) “UzAuto Motors” АЖ, **26 таси** (40) “UzAuto Motors Powertrain” АЖ, **4 таси** (260) “UzautoComponents” МЧЖ, **62 таси** (0) “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖларда тадбирлар ҳисобланади.

Мазкур тадбирларнинг **165** (75) таси йиллик режа, **2** (3) таси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора топшириқлари, **241** (474) таси бошқа топшириқларга асосан ўтказилган.

Юқорида ўтказилган назорат тадбирлари давомида жами **480 млрд. сўмлик** ҳолатлар аниқланган бўлиб, шундан 478,5 млрд. сўми “UzAuto Motors” АЖ, 1,03 млрд. сўми “UzautoComponents” МЧЖ, 150,1 млн. сўми “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ, 57,5 млн. сўми “Ўзавтосаноат” АЖ лар хиссасига тўғри келади.

Йўналишлар кесимида таҳлил этилганида, **398,7 млрд. сўм**лиги харид тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, **77,2 млрд сўм**лиги камомад, ўзлаштириш ва талон-торожлик, **4,1 млрд сўми** солиқ юклама ва имтиёзлари билан боғлиқ ҳолатларни ташкил этади.

- Молия ва бюджет.

2025 йилда молия-иқтисод йўналишлари бўйича мониторинг-ўрганиш ишлари натижасида жами 133 та (2024 йил 87 та) ҳолатда 315,8 млрд сўмлик (908,1 млрд сўм) иқтисодий самарали таклифларга эришилган бўлиб:

Шундан, 295,5 млрд сўми (901,7 млрд. сўм) олди олинган харажат, 8,9 млрд сўми (5,5) етказилган зарар ҳамда 11 млрд сўм (0.7 млрд. сўм) млрд. сўм тўлов интизомини мустаҳкамлаш ҳолатларига тўғри келади.

Ушбу ҳолатлар:

- Бизнес режаларини тузишда дастлабки мониторинг натижасида 57 та ёки 257,1 млрд сўм (60/788,4);

- Қўшимча даромад манбалари бўйича бой берилаётган фойда 35 та ёки 5,1 млрд сўм ((5/19.0);

- бухгалтерия ҳисоб ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри юритилиши юзасидан 3 та ҳолатда 22,3 млрд сўм (10/69);

- солиқлар имтиёзларидан нотўғри фойдаланиш, солиқ баъзасига нотўғри ҳисобга олиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган жарималарни олдини олиш ҳисобига 1 та ҳолатда 0,15 млрд сўм (4/6,2);

- тўлов интизомига мустаҳкамлаш, умидсиз ва муддати ўтган дебиторлик қарздорликни ундириш юзасидан 2 та ҳолатда 49,0 млрд сўм, (3/11,9);

- ортиқча қилиниши мумкин бўлган харажатларни олдини олиш ҳисобига 33 та ҳолатда 12,6 млрд сўм(9/18,6)ни ташкил қилган.

Ушбу самарали таклифларнинг 126 таси ёки 272,7 млрд. сўми “UzAuto Motors” АЖ, 3 таси ёки 19,2,2 млрд. сўми “UzautoComponents” МЧЖ, 3 таси ёки 16,3 млрд. сўми “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ, 1 таси ёки 7,6 млрд. сўми “Ўзавтосаноат” АЖ ҳисобига тўғри келади.

- Маҳаллийлаштириш.

Ўртача йиллик иқтисодий самараси 187,8 млрд сўмни ташкил этувчи 77 турдаги лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар, ГМ талабларига мувофиқлик ҳолати, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ҳамда техник регламентлар талабларига риоя

этилиши юзасидан мунтазам равишда комплаенс мониторинги олиб борилди (“UzAuto Motors” АЖда 42 та лойиха - 98,5 млрд.сўмлик, Таъминотчи корхоналарда 35 та лойиха - 89,3 млрд.сўмлик).

Олиб борилган мониторинглар натижасида, комплаенс хавфлари (GM рухсатисиз маҳаллийлаштириш ишлари олиб борилиши, шартнома тузилиши, асоссиз равишда корхона ҳисобидан намуна деталлар юборилиши, импорт бутловччи қисмларидаги юқори нархлар) аниқланиб, уларни ўз вақтида бартараф этилиши таъминланди ва корхонага **19,7 млрд. сўм иқтисодий самара келтирилди.**

- Харид ва танловлар (455,8 млрд. сўм, 2024 йилнинг мос даврида 705,5 ёки -36%):

Юқорида кўрсатилган контрагентларни текшириш мобайнида 143,3 млрд. сўмлик харид тартиб тамоилларига зид шартномаларни тузилиши оди олинган.

Шунингдек, харид жараёнларида асоссиз тўғридан-тўғри давлат хариди, баҳолаш жараёнида йўл қўйилган хатолар, иштирокчилар ўртасида аффилланганлик ва алоқадорлик ҳолатлари, контрагентлар томонидан сохталаштирилган ҳужжатлар тақдим қилиниши, харид ҳужжатларини хато ва камчиликлар билан шакилланиш ҳолатлари, шартнома шартларини бажармаслик, баҳолаш жараёндаги ва шартнома тузишдаги йўл қўйилган хато ва камчиликлар ва бошқа шу каби қонунга зид бўлган ҳолатларни олдини олиш ҳисобига 302,2 млрд. (520,7 млрд.) сўмлик харажатлар олди олинди, заруриятсиз ва асоссиз харажатларни бартараф этиш ҳисобига 7,8 млрд. (41,8 млрд) сўм , маҳсулот нархларини тушириш ҳисобига келтирилган иқтисодий самара 2,5 млрд. (38,6) сўмни ташкил қилди.

Натижада, умумий 455,9 млрд. (705, млрд.) сўмлик қонунга зид шартномалар ва бошқа тегишли ҳужжатларни тузилиши олди олинган.

Шундан 15 та ҳолатда 5,4 млрд. сўми “Ўзавтосаноат” АЖ, 97 та ҳолатда 383,3 млрд. сўми “UzAuto Motors” АЖ, 19 та ҳолатда 12,9 млрд. сўми “UzAuto Motors Powertrain” АЖ, 2 та ҳолатда 9,5 млрд. сўми “UzAuto Commercial Vehicles” МЧЖ, 28 та ҳолатда 44,8 млрд. сўми “Uzautocomponents” МЧЖ ва тизим корхоналари ҳиссасига тўғри келган.

Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш.

2025 йил давомида ўтказилган мониторинг ва ўрганиш ишлари натижасида жами **57** та ҳолатда **92,9 млрд. сўм** миқдорида ортиқча маблағлар сарфланиши ҳамда айланма маблағларнинг мақсадсиз банд бўлиши олди олинди.

Ушбу самарадорлик корхоналарда эҳтиёждан кўп материаллар, эҳтиёт қисмлар, ускуналар ва хизматлар буюртма қилиниши, ишлаб чиқариш режасига мос келмайдиган ишчи бирликлари аниқлаш, ортиқча сарф-меъёрлар белгилаш ҳолатларини олдини олиниши натижасида юзага келган.

Бу каби комплаенс хавлари 2024 йилнинг мос даврида 307,8 млрд. сўмни ташкил этиб, 69,8 фоизга камайишига эришилган.

Таъминот, савдо ва маркетинг.

2025 йилда комплаенс хизмати ташаббуси билан тизимда ўтказилган мониторинг ва ўрганиш ишлари натижасида жами 1 124,9 млрд сўмлик иқтисодий самарага эришилди.

Ушбу самарадорлик “UzAuto Motors” АЖда:

- 884 млрд. сўмлик буюртмаларни нотўғри шакллантириш оқибатида ортиқча захиралар вужудга келиб, айланма маблағларнинг мақсадсиз банд бўлиши ҳолатлари олди олиниши;

- 75,5 млрд. сўмлик SAP S/4HANA тизимида янги бутловчи қисмга ўтиш жараёнида муддатларни нотўғри белгилаш сабабли, бутловчи қисмларнинг ноликвид ҳолатга тушиб қолиши олди олиниши;

- 69,3 млрд. сўмлик мавжуд ноликвид маҳсулотларни ишлатиш, сотиш ва утилизация қилиниши;

- 59,5 млрд. сўмлик ишлаб чиқарилган автомобилларни бўлиб тўлаш асосида сотиш акцияси доирасидаги дебитор қарздорликларни ундирилиши натижасида эришилган.

Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Ҳисобот даврида комплаенс мониторинги ва хизмат текширувлари натижасида қатор қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди.

Мазкур ҳолатлар турлари, келиб чиқиш сабаблари ва хавф даражаси бўйича тизимлаштирилди.

Ҳар бир ҳолат юзасидан қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ таъсир чоралари қўлланилди.

Жумладан, жорий йилнинг 12 ойида **70 та хизмат текширувлари** ўтказилган бўлиб, уларнинг 41 таси “UzAuto Motors” АЖ, 26 таси “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ, 2 таси “UzAuto Motors Powertrain” АЖ ҳамда 1 таси “UzautoComponents” МЧЖ лардаги хизмат текширувларини ташкил этган.

Хизмат текширувларнинг **10 та** (“UzAuto Motors” АЖда 9 та, “UzautoComponents” МЧЖда 1 та)си ўзлаштириш ва талон-торож қилиш, **8 та** (“UzAuto Motors” АЖ)си ўфрилиқ, **6 та** (“UzAuto Motors” АЖ)си ҳужжатларни сохталаштириш, **4 та та** (“UzAuto Motors” АЖ да 2 та, “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ да 2 та)си манфаатлар тўқнашуви, **1 та** (“UzAuto Motors” АЖ)си қурилиш соҳасидаги ўзлаштириш ва талон-торож қилиш, **1 та** (“UzAuto Motors” АЖ)си фирибгарлик, **4 та** (“UzAuto Motors” АЖда 2 та, “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ да 2 та)си харидларга оид қонун ҳужжатларини бузиш, **9 та** (“UzAuto Motors Powertrain” АЖда 2 та, “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ да 7 та) ҳолатда ишлаб чиқаришдаги тартиб бузилишлари, **15 та** (“BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ)си меҳнат қонунчилиги бузилиши, 2 таси ёнғин хавфсизлигига риоя қилмаслик, **12 та** (“UzAuto

Motors" АЖда 10 та, "BYD Uzbekistan Factory" МЧЖда 2 та)си бошқа ҳолатларни ташкил этган.

Ички идоравий ҳужжатлар талабларини бузган **68** (97) нафар ходимга нисбатан хайфсан, **9** (10) нафар ходимга нисбатан жарима таъсир чоралари қўлланилган бўлса, **21** (14) нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинган.

Шунингдек, 2025 йил 12-ойида **пора олиш ва бериш билан боғлиқ ҳолатлар умуман содир этилмаган** бўлсада, **25** (23) та ҳолатда, **78,6** (71,3) млрд. сўмлик қонунбузилиши билан боғлиқ ҳужжатлар ҲМҚОга юборилган.

Шундан:

- **5 таси** (64,2 млрд. сўм) қурилиш соҳасидаги ўзлаштириш ва талон-торож қилиш("UzAuto Motors" АЖ);

- **6 таси** (4,9 млрд. сўм) ўзлаштириш ва талон-торож қилиш("UzAuto Motors" АЖ);

- **5 таси** (2.1 млрд. сўм) ўғрилиқ("UzAuto Motors" АЖда 3 та, "BYD Uzbekistan Factory" МЧЖда 1 та);

- **1 таси** (0) фирибгарлик("UzAuto Motors" АЖ);

- **1 таси** (85,5 млн. сўм) харид тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш("UzAuto Motors" АЖ);

- **4 таси** (6,8 млрд. сўм) ҳужжатларни сохталаштириш("UzAuto Motors" АЖ);

- **3 таси** (599,4 млн. сўм) бошқа ҳолатлардир("UzAuto Motors" АЖ да 6 та ва "BYD Uzbekistan Factory" МЧЖда 1 та).

2024 йил билан ўзаро таққосланганида қурилиш соҳасидаги ўзлаштириш ва талон-торож қилиш ҳолатлари 4 тага ёки 41,8 млрд. сўмга, ўғирлик ҳолатлари сони барқарор бўлса-да, суммаси 1,1 млрд. сўмга, харид тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари 1 тага ёки 85,5 сўмга ортган бўлса, ўзлаштириш ва талон-торож қилиш ҳолатлари 4 тага ёки 38,5 млрд. сўмга, фирибгарлик ҳолатлари 2 тага ёки 1,8 млрд. сўмга камайган(барчаси "UzAuto Motors" АЖ хиссасига тўғри келади).

Юборилган ҳужжатлар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан **8** (10) та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилиб, **1** нафар ходим маъмурий жавобгарликка тортилган.

Юқоридаги ҳолатлар келгусида такрорламаслик бўйича корхона раҳбарларига таклифлар киритилди.

Ташқи аудит ва сертификатлаш.

"Кролл" компанияси томонидан 2024 йил ҳамда 2025 йил октябрь ойида ўтказилган аудит яқунлари бўйича "Ўзавтосаноат" АЖ ва тизим корхоналарида комплаенс тизимларни такомиллаштириш ва илғор тажрибаларга мувофиқлаштириш бўйича 51 банддан иборат тавсиялари 2025 йил давомида Жамият ва тизим корхоналарида амалиётга тадбиқ этилди.

“CERT INTERNATIONAL” s.r.o. халқаро аудит ташкилоти томонидан ўтказилган аудит натижаларига кўра ижобий баҳоланиб, **ISO 37001:2016 ва ISO 37301:2021 халқаро стандарти бўйича сертификат** тақдим этилди.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштириш йўлида амалга оширилган ишларнинг эътирофи сифатида, **O'z DSt ISO 37001:2019 стандарти** бўйича давлат миллий сертификация тизими доирасида миллий мувофиқлик сертификати билан тасдиқланди.

“UzAuto Motors Powertrain” АЖда ISO 37001:2016 ҳамда ISO 37301:2021 халқаро стандартлари бўйича CERT INTERNATIONAL s.r.o. халқаро ташкилоти томонидан сертификатлаштириш аудити якунланди ва ҳозирда аудит хулосасини расмийлаштириш (хулоса бериш) жараёни давом этмоқда.

“UzAuto Motors” АЖ да ҳам ISO 37001:2016 ҳамда ISO 37301:2021 халқаро стандарти бўйича сертификатлаштириш бўйича ўтказилган тендер жараёнлари билан боғлиқ суд жараёнлар якунланмагани сабабли, аудит жараёнлари ўтказилмади.

Шу сабабли, “UzAuto Motors” АЖ да ҳам ISO 37001:2016 ҳамда ISO 37301:2021 халқаро стандарти бўйича сертификатлаштириш 2026 йил 1-ярим йиллигида якунланиши режалаштирилди.

2026 йилда амалга оширилган мониторинг ва таҳлиллар натижасида харид, таъминот, ишлаб чиқариш ва молия йўналишларида аниқланган хато ҳамда камчиликлар, шунингдек жараёнларда қайд этилган юқори ва ўрта даражадаги хавфлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий чора тадбирлар ишлаб чиқилди:

- Мавжуд комплаенсга оид сиёсат ва тартиб-тамойилларни коррупцияга қарши курашга оид қонунчилиги, халқаро стандарт ва илғор тажрибаларга мувофиқлиги ҳамда амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилганлиги бўйича таҳлил қилиб бориш;

- Жамият ва тизим корхоналарида аниқланган қонунбузилиш ва номувофиқликлар таҳлили асосида коррупциявий хавфлар юқори ва ўрта бўлган соҳаларда мақсадли аудитлар ўтказиш, хавф омилларининг келиб чиқишини олдини олиш бўйича чоралар белгилаш ҳамда улар ижросини назорат қилиш;

- 2026 йилда ISO 37001 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” бўйича “UzAuto Motors” АЖ, “Alyans Avto” МЧЖ, “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ ва “UzAuto Motors Powertrain” АЖларни сертификациядан ўтказиш;

- Ходимларни ўқитиш ва малака ошириш тизимини давом эттириш ҳамда уни янада интерактив ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида “Каскад” ва “Модул” тизимини Жамият ва тизим корхоналарида жорий қилиш;

- Жамият ва тизим корхоналарида коррупция ҳақида хабар бериш механизмини ISO 37002 га мувофиқлаштириш ва хабардорликни ошириш.

- Жамоатчилик (ички ва ташқи) фикри ва уларнинг таклифлари бўйича мониторинглар амалга ошириш.

Мазкур чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда тўлиқ амалга оширилиши Жамият ва тизим корхоналарида комплаенс ҳамда коррупцияга қарши курашиш бошқарув тизимларининг барқарор ишлашини таъминлаб, юқори ва ўрта даражадаги хавф-хатарларни тизимли равишда камайтириш, қонунчилик ва халқаро стандартларга мувофиқликни кафолатлаш ҳамда ҳисобот даврида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ натижаларга эришиш имконини беради.

Комплаенс хизмати раҳбари



М.Акбаралиев